



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 апрел куни Жанубий Қозоғистон вилоятига ташриф буюрди ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан амалий учрашув ўтказди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик, қардошлиқ ва ўзаро ҳурмат руҳида изчил ривожланиб бораётган. Ўзаро алоқалар барча соҳаларда фаоллашмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳифалар очди. Ушбу ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда.

Жанубий Қозоғистон вилоятидаги учрашувда Президентимизнинг шу йил март ойида Қозоғистонга давлат ташрифи давомида мамлакатларимиз ўртасида эришилган келишувларни амалга ошириш жараёни муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзаро учрашувлар мунтазамлик касб этгани давлатлараро муносабатлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

— Жорий йил март ойидаги Қозоғистонга ташрифимиздан сўнг ўзаро ҳамкорлигимизнинг барча йўналишлари бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқдик. Вазирлар ва ҳудудлар раҳбарларининг учрашувлари фаоллашди, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Нурсултон Назарбоев олдинги учрашувдан кейин мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар янада фаоллашганини қайд этди.

— Шу йилнинг биринчи чорагида иқтисодийнинг турли тармоқларида амалий алоқалар сезиларли даражада ошди. Транспорт-логистика, автосаноат соҳаларидаги ва ҳудудлараро ҳамкорлиги алоҳида таъкидлаш жоиз. 2017 йилнинг дастлабки уч ойида ўзаро товар айирбошлаш 37 фоизга кўпайди, — деди Қозоғистон Президенти.

Президент Шавкат Мирзиёев Президент Нурсултон Назарбоевга ушбу учрашув учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигидаги ижобий сурушатлар барқарор сақланиши ва янада ривожланишига ишонч билдирдилар.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзаро келишувга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев билан Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов ўртасида 1 май куни телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Президентимизнинг шу йил 6-7 март кунлари Туркменистонга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш жараёнини муҳокама қилишди.

Томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалар бўйича юксак даражадаги алоқалар изчил ривожланиётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Бугунги кунда агросаноат комплексидagi, темир йўл тизимини таъмирлаш ва модернизация қилиш ва бошқа соҳалардаги савдо шартномалари ва қўшма кооперация лойиҳалари кенг қўламада амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарлари белгиланган дастурлар ва ҳамкорлик лойиҳаларини, авваламбор, иқтисодий соҳадаги лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида янада фаол ҳамкорлик қилиш муҳимлигини таъкидладилар.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашишди, шунингдек, яқин истиқболдаги қўшма тадбирлар жадвали келишиб олindi.

Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов қардош Ўзбекистон халқига эзгу истакларини билдирди.

Суҳбат Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларига хос самимий ва дўстона, ўзаро англашув, ҳурмат ва яқин қўшничилик руҳида ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва техник регламентларни тизимли жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Миллий эталонлар базасини ривожлантириш асосида маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш, шунингдек, «Ўзстандарт» агентлигининг тузилмасини халқаро талабларга мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг устувор вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар ва техник регламентларни жадал жорий этиш орқали уларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш;

маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини биринчи навбатда экспорт қилувчи корхоналарда кенг жорий этиш ва саноат маҳсулотларини халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлаштиришни амалга ошириш;

экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулотларни сертификатлаштириш масалаларида қўлай шaroитларни яратиш, миллий сертификатлар ва мувофиқлиги баҳолаш ишлари натижалари асосий экспорт бозорларида тан олинмишига йўналтирилган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини фаоллаштириш;

техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш, сотиладиган маҳсулотлар хавфсизлигини тизимли назорат қилишни таъминлашда уларнинг самарадорлигини ошириш; замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига қўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари турларини кенгайтириш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация соҳаларида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

2. «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни

ривожлантириш давлат қўмитасининг:

а) «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасини, унга:

«Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасини қўйиш;

«Ўзстандарт» агентлиги марказий аппарати тузилмасидан чиқарилаётган Маҳсулотларни экспорт қилишга қўмаклашиш бюросини ўтказиш йўли билан қайта ташкил этиш;

б) «Ўзстандарт» агентлиги қошида: «Ўзбекистон мувофиқлиги баҳолаш органларини аккредитация қилиш маркази» давлат корхонасини («Ўзбек-аккредитация» ДК) ташкил этиш;

мавжуд «Миллий эталонлар маркази» давлат муассасаси, «Метрология хизматлари қўрсатиш маркази» давлат корхонаси ва «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти» давлат муассасасининг метрологик бўлинмалари негизида «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат корхонасини («ЎЗММИ» ДК) ташкил этиш тўғрисидаги тақдирларни қабул қилиш.

3. Қуйидагилар давлат корхоналари фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

а) «Ўзбекистон мувофиқлиги баҳолаш органларини аккредитация қилиш маркази» давлат корхонасининг: мувофиқлиги баҳолаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиши;

мувофиқлиги баҳолаш органлари ва метрологик хизматларни халқаро стандартларга мувофиқ аккредитация қилиш, шунингдек, мувофиқлиги баҳолаш органлари ва метрологик хизматлари томонидан белгиланган шартлар ва талаблар бажарилиши устидан инспекция назоратини амалга ошириши;

халқаро ва миллий аккредитация органлари билан фаол ҳамкорлик қилиши;

б) «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат корхонасининг: Ўзбекистон Республикаси Миллий эталонлар базасини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича чораларни амалга ошириши;

эталонлар, энг юқори аниқликдаги ўлчов воситаларини сақлаб туриши, уларни халқаро даражада солиштириши, шунингдек, ўлчов бирликларини сақлаши ва узатиши;

ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиши, метрологик назорат натижаларини ўзаро тан олиш бўйича халқаро шартномаларни амалга ошириши; метрологик текширувни ва метрология соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириши.

4. 2017-2020 йилларда «Ўзстандарт» агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг 39 нафардан кўп бўлмаган янгиланган тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони 4 ва 4-а-иловаларига мувофиқ;

2018-2021 йилларда «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат корхонаси томонидан харид қилинадиган эталонлар ва энг юқори аниқликдаги ўлчов воситалари рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директориға зарур ҳолларда марказий аппарат ва қўй таъкилотлар тузилмаларига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш тугатилиб, Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ривожлантириш ва маҳсулот сифатини бошқариш тизимларини жорий этишни мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳ 6-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Махсус ишчи гуруҳ зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклансин: стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимларини жорий этиш соҳасидаги

устувор йўналишларни белгилаш ҳамда қонунчилик ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишни ташкиллаштириш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитациянинг миллий тизимларини ривожлантириш бўйича комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштириш;

республикамиз корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган махсулот сифатини бошқариш тизимларини жорий этиш ва сертификатлаштириш ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг тизимли мониторингини амалга ошириш.

7. «Ўзстандарт» агентлиги икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Париж шаҳрида 1875 йил 20 майда қабул қилинган Метрик конвенцияга қўшилиш масаласини ўрғаниб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тегишли тақдир қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда 5-иловада қайд этилган эталонлар ва юқори аниқликдаги ўлчов воситаларини харид қилиш учун зарур бўлган маблағни назарда тутсин.

9. «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат корхонаси Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Форобий кўчаси, 333-а, 333-б-йилларда; «Ўзбекистон мувофиқлиги баҳолаш органларини аккредитация қилиш маркази» давлат корхонаси Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Форобий ва Харақат кўчаларида жойлаштирилсин.

10. «Ўзстандарт» агентлиги янги ташкил этилган «Ўзбекистон мувофиқлиги баҳолаш органларини аккредитация қилиш маркази» давлат корхонасини юқори малакали кадрлар, моддий-техник ва молиявий манбалар билан таъминлаш орқали унинг самарали фаолият юритишини ташкил этишсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 28 апрель

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2935-сонли қарорига ШАРХ

этиш жараёнларини соддалаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Тадбиркорлик субъектлари учун қўлай шарт-шaroитлар яратиш мақсадида мажбурий сертификатлаштириш лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати кескин қисқартирилди. Экспортга йўналтирилаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш ихтиёрий равишда амалга оширилиши белгиланди, ўлчов воситаларини тайёрлаш, сотиш ва ижарага бериш фаолиятини лицензиялаш жараёни бекор қилинди.

Сертификатлаштириш ва стандартлаштириш қондалариға роя эгитилмаганини ун ҳужа-лик юритувчи субъектларга нисбатан иқтисодий санкциялар қўллаш меъёrlари бекор қилиниб, мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги кучай-тирилди. Шунингдек, 23 та тех-ник регламентни қабул қилиш ҳисобига 700 дан ортиқ стан-дарт ихтиёрий турга ўтказилди.

Шу билан бирга, соҳадаги ишларнинг таҳлили ваколатли давлат бошқаруви идораси си-зифатида «Ўзстандарт» агентли-гининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бир қатор ечимни топила-маган масалалар мавжудлиги-ни қўрсатмоқда.

Биринчидан, агентликнинг ташкилий тузилмаси халқаро талабларга мос эмас, юклан-ган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаб бера олмас эди.

Иккинчидан, ISO халқаро ташкилотни стандартларини қабул қилиш борасидаги фао-лият лозим даражада ташкил этилмаган, стандартлаштириш

бўйича меъёрий ҳужжатлар миллий фондида ушбу ташки-лот стандартлари 13 фоизни ташкил этар эди, холос.

Учинчидан, Агентлик томо-нидан халқаро сифатни бош-қариш тизимларини жорий этиш бўйича республикамизда-ги корхоналарга услубий ёрдам қўрсатиш етарли даражада ташкил этилмаган эди.

Тўртинчидан, республика-мизнинг мавжуд эталонлар ба-заси айрим саноат тармоқла-рида фойдаланилаётган юқори аниқликдаги асбобларнинг метро-логик текширувини тўла кам-раб олиш имконини бермас эди.

Юқорида келтирилган маса-лаларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг «Ўзбекистон стан-дартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентли-ги фаолиятини такомиллашти-риш чора-тадбирлари тўғриси-да»ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, Ўзбекис-тон стандартлаштириш, метро-логия ва сертификатлаштириш агентлигининг устувор вазифа-лари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар ва техник регла-ментларни жадал жорий этиш орқали уларнинг замонавий та-лабларга мувофиқлигини таъ-минлаш ва ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш;

маҳсулот сифатини бошқа-ришнинг замонавий тизимла-рини биринчи навбатда экс-порт қилувчи корхоналарда кенг жорий этиш ва саноат маҳсулотларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини

сертификатлаштиришни амал-га ошириш;

экспортчи корхоналарга маҳсулотларни сертификатла-штириш масалаларида қўлай ша-роитларни яратиш, миллий сер-тификатлар ва мувофиқлиги баҳолаш ишлари натижалари асосий экспорт бозорларида тан олинмишига йўналтирилган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини фаоллаштириш;

техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология тизимла-рини янада ривожлантириш, реализация қилинадиган маҳ-сулотлар хавфсизлигининг ти-зимли назоратини таъминлаш самарадорлигини ошириш;

замонавий ахборот-комму-никация технологияларини жо-рий этиш, тадбиркорлик субъек-тлари ва аҳолига қўрсатилади-ган интерактив давлат хизмат-лари турларини кенгайтириш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлашти-риш ва аккредитация соҳала-рида кадрларни қайта тайёр-лаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Шунингдек, мазкур қарор билан 2017-2020 йилларда «Ўзстандарт» агентлиги фаоли-ятини янада такомиллаштириш ва иш самарадорлигини оши-риш бўйича комплекс чора-та-дбирлар дастури қабул қилин-ди. У қуйидаги жиҳатларни на-зарда тутди:

стандартлаштириш, метро-логия ва сертификатлаштириш соҳаларида қонуний базани та-комиллаштириш;

«Ўзстандарт» агентлигининг синов лабораториялари ва ҳуд-дий марказларини замонавий

юқори аниқликдаги ўлчаш ва синов ускуналари билан қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишни давом эттириш;

2 мингдан ортиқ халқаро стандартларни босқимча-босқич қабул қилиш орқали улар-нинг стандартлаштириш бўйи-ча меъёрий ҳужжатлар миллий фондидаги улушини икки ба-рорабга ошириш;

9 мингдан ортиқ корхонада халқаро стандартларга мос ке-ладиган сифат менежменти ти-зимларини жорий этиш, 2020 йилга қадар бундай корхоналар сони 4,6 барорабга ошириш;

«Ўзстандарт» агентлиги ла-бораторияларини халқаро да-ражада тан олинган ташкилот-ларда аккредитация қилиш йўли билан уларда амалга оши-рилган синов натижаларининг жаҳон миқёсида тан олинмиши учун шарт-шaroитлар яратиш;

стандартлаштириш, метро-логия ва сертификатлаштириш соҳасида халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш, шунингдек, «Ўзстандарт» агентлиги ходим-лар салохиятини ошириш ва унинг фаолиятига ахборот-ком-муникация технологиялари жо-рий этилишини қўрғаштириш.

Ушбу қарор билан «Ўзста-ндарт» агентлиги қошида «Ўзбе-кистон мувофиқлиги баҳолаш органларини аккредитация қилиш маркази» ва «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат корхоналарини ташкил этиш ҳамда «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасини қайта ташкил этишни назарда тутган ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги-нинг янгиланган ташкилий ту-зилмаси тасдиқланди.

11. Истиқно тариқасида: «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат корхонасига Ўзбе-кистон Республикаси Вазирлар Маҳ-камаси билан келишилган ҳолда, эталонларни тайёрлашга ихтисос-лашган етакчи хорижий метрологик ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали эталон-лар ва энг юқори аниқликдаги ўлчов воситаларини харид қилиш;

«Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ташкилий тузилмаларига «Штрихли кодлаш ва ахборот технологиялари маркази» давлат корхонаси билан тех-ник ва тизимли хизмат қўрсатиш, жум-ладан, сервер ва телекоммуникация ускуналариға, компьютер ва ташкилий техникаға хизмат қўрсатиш, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва куза-тиб бориш, шунингдек, ахборот хавф-сизлигини таъминлаш бўйича тендер (танлов) ўтказмаган ҳолда шартнома-лар тузиш рухсат этилсин.

12. «Ўзстандарт» агентлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда «Ўз-стандарт» агентлиги ва унинг бўлин-малари штат жадваллари ва хара-жатлар сметасига 2017 йил учун смета харажатларида назарда тутил-ган штат бирликлари ва бюджет аж-ратмалари доирасида, мазкур қарордан келиб чиқадиган тегишли ўзгаришлар киритсин;

белгиланган тартибда «Ўзбекистон мувофиқлиги баҳолаш органларини аккредитация қилиш маркази» ва «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат корхоналари низо-мларини тасдиқласин ва давлат рўйха-тидан ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор ва-зирлик ва идоралар билан бирга-ликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақдирлар тақдим этсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респу-бликаси Бош вазирининг ўринбосари У.У.Розуқов зиммасига юклансин.

Шунингдек, тасдиқланаёт-ган рўйхатга мувофиқ эталон-лар ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини давлат бюджетидан молиялаштириш ҳисобига харид қилиш орқали республика эталон базасини янада ривожлантириш қўзда ту-тилган.

Тасдиқланган чора-тадбир-лар дастурининг самарали иж-росини таъминлаш мақсадида стандартлаштириш, метроло-гия, сертификатлаштириш ва сифат менежменти тизимлари-ни жорий этишни мувофиқлаш-тириш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Ушбу қарорнинг амалга оширилиши: биринчидан, миллий стан-дартларни халқаро талаблар билан мослаштириш ҳамда за-монавий сифат менежменти ти-зимларини кенг жорий этиш асосида маҳаллий маҳсулотлар-нинг рақобатдошлигини оши-риш ва ташқи савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш;

иккинчидан, маҳаллий маҳ-сулотларни экспорт қилишда миллий лабораториялар томо-нидан амалга оширилган ўлчаш ва синов натижаларининг чет элларда тан олинмиши учун асос яратиш;

учинчидан, саноат тар-моқларида қўлланилаётган юқори аниқликдаги асбоблар-ни тўлиқ метрологик текши-рувдан ўтказиш, бир қатор эталонлар ва энг юқори аниқ-ликда ўлчаш воситаларини ха-рид қилиш орқали миллий корхоналарнинг хорижий ма-млакатлар метрология институ-тига боғлиқлигини камайти-риш имконини беради.

ТАРҒИБОТЧИЛАР ГУРУҲИ

Ҳаракатлар стратегияси ижтимоий аҳамиятини аҳолига етказишда муносиб ўрин тутати

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижтимоий аҳамиятини тарғиб қилишга доир долзарб вазифалар» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят кенгаши фаоллари иштирок этди.

Таъкидландики, бугун мамлакатимизда давлат ва жамиятни ҳар томонлама жадал ривожлантириш, умум-этироф этилган демократик қоида ва талабларни изчил жорий қилиш, инсоннинг устувор ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётган.

Бундан аҳолининг ҳабардорлиги, мазмун-моҳиятини тушуниб етиши ислохотларнинг янада самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу мақсадда Ҳаракатлар стратегиясининг бешта йўналиши бўйича партия ташкилотлари қошидаги тарғибот гуруҳлари таркибига малакали мутахассислар, олимларни жалб этган ҳолда тақомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Назира МАТЕКУБОВА,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи:

— Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш ва ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган эзгу мақсадлар белгиланган. Шу билан бирга, тарғибот билан боғлиқ бир қатор вазифаларга ҳам эътибор қаратилган.

Ўтган уч ой давомида Ҳаракатлар стратегиясига бағишланган 140 тадбир ўтказилган. Уларнинг 2 таси Марказий Кенгаш, 14 таси минтақавий кенгашлар, 125 таси туман-шаҳарлар даражасида ташкил этилган. Тадбирлар самарадорлиги энг аввало, тарғиботчилар гуруҳлари фаолиятига боғлиқ.



Санжар ШОТЛИМАНОВ олган сурат.

Хўш, бугун уларнинг таркиби қандай? Бунга чуқур ўрганиб чиққан ҳолда, Ҳаракатлар стратегиясининг бешта йўналиши бўйича малакали мутахассислар, ҳуқуқшунос-лар, иқтисодчилар, ижтимоий соҳа ходимлари, олимлар ва экспертларни тарғибот гуруҳларига киритишимиз лозим бўлади.

Нурмуҳаммад ҚАРШИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Бектемир туман кенгаши раиси:

— Президентимиз 2017 йилни юртимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилганида, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг

янги механизмлари ва самарали усуллари жорий этиш кераклигини алоҳида уқтириб ўтган эди. Бу барча даражадаги раҳбарлар, депутатлар, хусусан, партия ташкилотлари олдида ҳам янги талабларни қўйди.

Бугун бу борада амалга оширилаётган ишлар кенг жамоатчилик томонидан кўтаринки рух, миннатдорлик билан қабул қилинмоқда. Аҳоли вакиллари билан ўтказган учрашувларимизда ҳам бунга амин бўлаяпмиз. Одамлар Ҳаракатлар стратегиясини тараққиётимиз кафолати сифатида юксак баҳоламоқда.

Бизнинг олдимизда ҳам

масъулиятли вазифалар турибди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари аъзолари билан ҳамкорликда ушбу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тушуштириш бўйича тарғибот ишларини изчил йўлга қўйишимиз, унинг ижросида ҳар биримиз фаол қатнашишимиз талаб этилади.

Мухриддин ҲАМЗАЕВ,
ЎзХДП Олмалик шаҳар кенгаши раиси:

— Бугун юртимизда жамият ҳаётининг барча жабҳасини янада ислох қилиш, одамлар турмуш даражасини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш

юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Ҳаракатлар стратегиясида ҳам аниқ вазифалар белгиланган. Дарҳақиқат, ҳар қандай давлат бандлик масаласида барқарорликка эришиши учун пухта ишлаб чиқилган иқтисодий ислохотларни амалга ошириши талаб этилади. Жорий йилда ишсизлик даражаси энг юқори бўлган минтақаларда қўллаб-янгиларни таъминлаш ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасалари битирувчиларига кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда. Бу ёшларнинг ўзига бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади, албатта.

Давра суҳбатида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистани» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи Боймурод Юсупов, Тошкент вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Шерали Қўтлимуратов, ЎзХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси раиси Мухаббат Абдуллаева ва бошқалар сўзга чиқиб, Ҳаракатлар стратегияси тарғиботининг самарали шакл ва усулларида фойдаланиш, бу борада янги фойдалар, мавзулар ва широрларни илгари суриш, партия ташкилотлари ташаббускорлигини ошириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Бўка туманида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий ҳамда Тошкент вилояти кенгашлари томонидан доимий электротар манфаатларига алоқадор ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг ҳал этилишига таъсир кўрсатишда сиёсий партиялар, уларнинг депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада ошириш масалаларига бағишланган ўқув семинари ўтказилди.

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ ФАОЛЛИГИ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари, партиянинг Марказий, вилоят ва туман кенгашлари вакиллари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий жараёнлардаги фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Жамиятдаги ислохотлар самарадорлигини юксалтиришда сиёсий партиялар, уларнинг кўйи бўғинлари ва депутатлик гуруҳларининг ўз ўрни бор.

Семинарда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, партия маҳаллий кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари аъзоларининг фаолиятини янада юксалтириш, ҳуқуқий билим ва малакасини ошириш, электротар манфаатларига дахлдор масалалар бўйича тақлифлар киритиш, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш, уларнинг мониторингини олиб бориш ишларини тақомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди. — дейди партия Тошкент вилояти кенгаши депутатлик бирлашмалари иштини мувофиқлаштириш ва жамоатчилик қабулхоналари билан ишлаш бўлими мудири Фурқат Исроилов. — Ижтимоий-иқтисодий дастурлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ҳамда депутатлик назоратини амалга оширишнинг самарали механизmlаридан фойдаланиш масалалари хусусида ҳам фикр алмашилди.

Семинар доирасида иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда мавзу юзасидан мунозаралар олиб борди. Ҳар бир гуруҳ ўз чиқишида аҳолининг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож қатламни ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусан, пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва бошқа эҳтиёжманд тоифаларнинг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархининг асоссиз ўсишига йўл қўймайлик каби масалаларда мавжуд муаммоларга ечим ва тақлифлар берди.

И.АВВАЛБОВЕВ,
ЎзА муҳбири.

ЎзХДП: электротар манфаати

БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА

партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаол иштирок этиши зарур

ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши пленумида «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, партия-мизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани таъкидлаб ўтилди.

— Партиямизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури ижроси ҳар ойда таҳлил қилиб борилаётган, — деди партиянинг Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси, Жўқорғи Кенгесдаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Халилла Ёшимбетов. — Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари ташаббуси билан 24 масала партия гуруҳлари йиғилишларида, 17 масала доимий комиссияларда, 8 масала сессияларда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Соғлиқни сақлаш муассасалари, хусусан, поликлиникаларни замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини яхшилаш, дори воситалари ва фармацевтик фаолияти билан боғлиқ турт масала туман ва шаҳарларда ўрганилиб, яна тўрттаси партия гуруҳларида, учтаси доимий комиссияларда кўриб чиқилди. Ушбу масалалар Тўртқўл, Амударё туманларида сессиялар муҳокамасига киритилди.

Хусусан, халқ депутатлари Кўнгрот ва Чимбой туман Кенгашлари сессияларида аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хўна қоллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тўғрисидаги масалалар сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди.

— Электротар манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини янада ошириш учун ижро ҳокимияти идоралари фаолиятини

масалада ҳамкор ташкилотлар билан жойларда ўтказилаётган ижтимоий лойиҳалар, айниқса, Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан унумли фойдаланиш лозим. Шу билан бирга, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолиятини бугунги кун талаблари асосида жонлантириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

— Ҳаракат дастурини амалга оширишда одамлар билан доимий ва очик мулоқотларни кўпайтириш, электротарнинг турмуш даражаси ва сифатини,

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари ташаббуси билан 24 масала партия гуруҳлари йиғилишларида, 17 масала доимий комиссияларда, 8 масала сессияларда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

афсуски, айрим жойларда идоралар раҳбарлари масъулиятсизлиги сабабли лойиҳалар амалга ошмай қолади. Бу каби ҳолатларга йўл қўймайлик учун албатта ҳудудларни ривожлантириш дастурлари ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз зарур.

Пленум иштирокчилари таъкидлаганидек, иш ўринлари ташкил этиш бўйича партиянинг барча тузилмалари ташаббускорлигини ошириш керак. Шу мақсадда жойларда ўз ишини очиш истагида бўлган партия электротар вакиллари аниқлаш бўйича ишлар изчил давом эттирилиши шарт. Ушбу

моддий фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатни фаол давом эттириш лозим, — дейди Ўзбекистон ХДП Чимбой туман кенгаши раиси Парахат Оринбаев. — Биз аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари, хусусан, ёлғиз яшовчи кексалар, пенсионерлар, ногиронларни қўллаб-қувватлаш, уларга самарали ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасидаги ишлар юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз керак.

Шунингдек, пленумда партия ташкилотлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарига тўшаётган мунозараларни тизимли равишда ўрганиш ва

таҳлил қилиш, шу асосда жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш, йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларнинг сабабларини кўриб чиқиш кераклиги қайд этилди.

Бундан ташқари, Жамоатчилик қабулхоналари иш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда қабулхоналарга тушган мунозараларни жойида ўрганиш, қабулхоналарга депутатларни кенг жалб этиш аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш, илдиизига етиб бориш ҳамда уларни ижобий ҳал этишга хизмат қилиши лозимлиги таъкидланди.

Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси, туман ва шаҳар кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарига 336 мунозарат келиб тушган. Уларнинг 90 фоизи ижобий ҳал этилган.

Партия фаоллари бу натижалар хотиржамликка берилишга асос бўлмаслигини, электротар манфаатлари билан боғлиқ масалаларда янада фаоллик кўрсатиш кераклигини таъкидлаб, галдаги вазифаларга тўхталишди.

Шунингдек, сўзга чиққанлар электротар вакиллари орасида ижтимоий-сиёсий, мафкуравий йўналишларда олиб борилаётган ишларни тақомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Партиянинг тарғибот-ташвиқот йўналишидаги фаолиятини янада тақомиллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Кун тартибидagi масалалар тақлифлар ва мулоҳазалар асосида атрофлича кўриб чиқилди. Пленумда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мнажатдин ҚўТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Ўзбекистон ХДП Наманган шаҳар кенгаши ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан одам савдосига қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Наманган саноат касб-хўна қоллежида ўтказилган тадбирда партия масъуллари, педагоглар, ўқувчилар ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Одам савдоси — трансмиллий жиноят

Маълумки, кейинги йилларда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар глобал тус олгани бу хавф-хатарга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришни талаб этмоқда. Айниқса, аҳоли орасида тарғибот ишлари таъсирчанлигини янада ошириш муҳим вазифага айланмоқда.

Давра суҳбатида Наманган шаҳар партия кенгаши раиси Фахриддин Йўлдашев ёшларни ёт фойдалар ва бошқа турли офатлардан асраш учун аввало, уларни сиёсий жараёнларга кенгроқ жалб қилиш, ижтимоий фаоллигини ошириш вазифалари ҳақида тўхталиб ўтди. Бу борада «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан амалиётга татбиқ этилган ижтимоий лойиҳалар самарадорлигини ошириш, уюлмаган ёшлар билан ишлаш тизимини тақомиллаштириш лозимлигини таъкидланди.

Наманган шаҳар бандлик-ка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходими Музаффар Парпиев Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ жойларда комиссиялар ташкил этилгани, аср муаммоси бўлган бу муҳим жиноятнинг олдини олиш самарадорлигини янада ошириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берди. Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни турли касбга ва спортга йўналтириш борасида таълим муассасалари, маҳалла ҳамда оила ҳамкорлиги катта аҳамиятга эгалигига эътибор қаратди.

Шунингдек, Наманган шаҳар партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Нилуфар Бойханова мазкур муаммага қарши курашга ёшларнинг илгор вакиллари кенг жалб этиш яхши самара бериши ҳақида сўз юритди.

Ҳаётини мисоллар асосида тайёрланган видеоролик намойиш этилди.

Мўътабар ҚОЗИЕВА,
ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши бўлим мудири.

Ўтган уч ой давомида Ҳаракатлар стратегиясига бағишланган 140 тадбир ўтказилган. Уларнинг 2 таси Марказий Кенгаш, 14 таси минтақавий кенгашлар, 125 таси туман-шаҳарлар даражасида ташкил этилган.

Қаҳрамонлик, бурч
ва фидойилик

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Йўлдош ота Тажимуратов «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган замонавий «Damas» автомашинасини навбатсиз сотиб олди.

ЭЪЗОЗ ВА
ЭҲТИРОМДАН
МАМНУН
КЎНГИЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ҳамда «Хотира ва қадрлаш кўнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Амударё тумани ҳокимлиги, муҳофаа ишлари, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими вакиллари Йўлдош ота хонадонидида бўлиб, унга Президентимиз номидан 2 миллион сўм пул мукофоти ва махсус сертификат асосида сотиб олинган автомашина қалитини топширди.

Йўлдош ота кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун давлатимиз раҳбарига, ҳукуматимиз ва саҳоватпеша инсонларга миннатдорлик билдирди.

— Урушга 1942 йили кетдим, — дейди Йўлдош ота. — Иккинчи Украина фронтида жанг қилдим. 1944 йили оёғимдан оғир жароҳатланиб, госпиталда узок даволандим. 1946 йили қишлоғимга қайтдим. Инсоният бошига оғир қулфат келтирган урушнинг номи ўсчин. Бизлар кўрдик, бошқа ҳеч ким кўрмасин. Бугунги дорилломон замоннинг қадрига етиб, озод ва обод Ватанимизда яшаётган ёшларга ҳавасим келади. Улар учун барча шароит ва имкониятларни яратиб бераётган Президентимиздан миннатдоримиз.

Йўлдош ота урушдан қайтган, Хива шаҳридаги педагоглар тайёрлаш билим юртида тахсил олиб, узок йиллар ёшларга устозлик қилди. Турмуш ўртоғи билан 4 ўғил, 3 қизни тарбиялаб камолга етказди. Унинг кўксини урушда кўрсатган жасорати учун берилган мукофотлар қаторида «Жасорат», «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» юбилей медаллари беэб турибди.

— Бу мен учун жуда қадрли мукофот, — дейди отахон гурурланиб. — Буюк Ғалабанинг 72 йиллиги байрамига ҳам соғ-омон етаётганимдан хурсандман. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Яратганга шукр, юртимиз тинч, турмушимиз фаровон.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон
Республикаси
Марказий банки
ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 2 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

- 1 АҚШ доллари 7374,91
- 1 ЕВРО 4075,98
- 1 Россия рубли 65,54
- 1 Англия фунт стерлинги 4822,51
- 10 Япония иенаси 334,58
- 1 Исландия кронаси 35,20
- 10 Жанубий Корея вони 32,85
- 1 Кувайт динари 12282,65
- 100 Ливан фунти 247,89
- 1 Малайзия ринггити 860,78
- 1 Норвегия кронаси 435,38
- 1 Хитой юани 542,08
- 1 Сингапур доллари 2673,33
- 1 Швеция кронаси 421,98
- 1 Швейцария франки 3750,29
- 1 БАА дирҳами 1016,88
- 1 Миср фунти 206,46
- 1 Дания кронаси 547,16
- 1 Австралия доллари 2794,46
- 1 Туркия лираси 1050,73
- 1 СДР 5120,63
- 1 Канада доллари 2731,79
- 1 Украина гривнаси 140,62
- 1 Польша злотийси 962,63

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ҲАЛОЛЛИК, ФИДОЙИЛИК ВА
МАСЪУЛИЯТ

ёки судьялардан талаб қилинадиган энг муҳим жиҳатлар

Инсон ҳаёти билан боғлиқ фаолият олиб боровчи касб соҳибларидан доимо ҳалоллик ва фидойилик талаб қилинади. Бу бежиз эмас. Бу борада нотўғри қилинган иш инсон тақдири буткул ўзгариб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Судья қабул қиладиган қарор замирида инсон тақдири туриши боис уларнинг иши нафақат ҳалоллик, балки жуда катта масъулият ҳам талаб қилади.

Мамлакатимизда суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, мустақил, турли хил таъсирларга қарши тура оладиган юркак малакали судьялар корпусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида одил судловга эришиш даражасини ошириш билан бирга номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжат асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун шу йил 7 апрелдан қуча қирди. Конституциямизнинг 111-моддаси янги тахририда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг конституциявий мақоми мустақамланди.


Шу пайтга қадар судья кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга тасвир қилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тасвир этиш бўйича олий малака комиссияси томонидан амалга ошириб келинган. Янги қонун билан Судьялар олий кенгашига кенг ваколатлар берилди. Хусусан, Президент Ўзбекистон

Республикаси Судьялар олий кенгаши тақдимномасига биноан вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисини лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади.

Айни пайтга кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судлари раисларини ҳамда судьяларини мустақил равишда лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади. Шунинг билан кенгаш, аввал судьяларнинг бу тоифалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланар эди.

Судьялар олий кенгашининг асосий вазифалари ва ваколатлари, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, уни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Қонунга кўра, кенгаш ўз фаолиятида қонунийлик, мустақиллик, қоллегиаллик, холислик, аъзларининг тенг ҳуқуқлилиги ва очиклик принципларига амал қилади. Фақат қонунга бўйсунган ҳолда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, мансабдор шахслардан мустақил равишда иш юритади. Кенгаш фаолиятига аралашшига йўл қўйилмади. Акс ҳолда бу қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади. Кенгаш аъзолари қарорлар қабул қилишда сиёсий қарашлардан ва бошқа ташки таъсирлардан холи бўлган



ўз нуқтаи назарини ифода қилади.

Кенгаш ўз фаолиятини очик тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади. Бу судьялик корпусини шакллантириш жараёнининг очик бўлишига хизмат қилади.

Қонунга мувофиқ кенгаш йигирма бир нафар таркибда судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилади. Судьялар олий кенгаши раиси Президент тақдимига биноан Сенат томонидан тайинланади.

Бунда кенгашнинг ўн бир нафар аъзоси кенгаш раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентини тақдимига биноан Сенат томонидан судьялар орасидан тасдиқланади. Кенгашнинг бир нафар аъзоси Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьялари орасидан тасдиқланади.

Кенгаш котиби ва унинг етти нафар аъзоси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентини тақдимига биноан тасдиқланади.

Кенгашнинг ўн уч нафар аъзоси, жумладан, кенгаш раиси, котиби ва ўн бир нафар аъзоси доимий асосда ишлайди. Қолган

саккиз нафар аъзоси ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади. Кенгаш аъзоларининг ваколати муддати беш йил этиб белгиланди.

Ушбу талаблар асосида шакллантирилган Судьялар олий кенгаши эндиликда судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлайди. Энг малакали ва масъулиятли мутахассисларни судья этиб тайинлайди. Раҳбар судьялик лавозимларига тасвир беради. Шу асосда судьялар корпусини шакллантиради. Судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни кўради. Судьяларни касбий тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш, судьяларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, уларни рағбатлантириш бўйича ташаббус кўрсатади. Оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларига доир муносабатларини кўриб чиқади.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлайди. Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги,

шунингдек, уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш учун ҳулоса бериш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

Кенгаш судья кадрлар захирасини шакллантиради. Турли даражалардаги судлар судьяларини тайинлаш, қайта тайинлаш, ваколатларини муддатидан илгари тугатиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилишда иштирок этади.

Кенгаш судьяларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига илтимоснома киритади. Кенгашнинг муҳим вазифаларидан яна бири — суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумига киритади.


Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган бу каби ислохотлар судья ва суд ходимларига алоҳида масъулият юклайди. Бу соҳани танлаган ҳар қайси мутахассис, айниқса, ёшлар, судьялик касби ўта масъулиятли касб эканини доимо ёдда сақлаши зарур. Ўз ишини пухта билиш, теран фикрлай олиш, ҳар қандай вазиятда масалани обдон ўйлаб, тўғри қарорга келиш каби фазилатларни ўзида шакллантириб бориши лозим. Чунки унинг фаолияти замирида инсон тақдири, жамият манфаати ётади.

Мамлакатимизда Судьялар олий кенгаши иш бошлаши билан судьяларни танлаш, уларни профессионал тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ҳозирги замон талаблари ва ҳалқаро стандартларга тўла мос келаётган ягона тизими яратилди.

Санжар ДЎСМАНОВ,
Ўзбекистон
Республикаси Судьялар
олий кенгаши аъзоси.
ЎЗА

«ҚУЁШ
ТУТИЛАДИГАН»

марка чиқарилади




2017 йил августида АҚШ аҳолиси 1979 йилдан буён биринчи марта қуёшнинг тўла тутилишини мамлакатнинг 14 штати ҳудудида кузатиши мумкин.

Ушбу ноёб ҳодиса шарафига АҚШ почта хизмати маркалар чиқаради. Агар марказга бармоқ босилса, унда Ой тасвири пайдо бўлади.

Почта хизматининг таъкидлашича, ультрабадана нурланиш термохром рангни бузади, шу боис маркани мактубларга ёпиштириш эмас, махсус конвертда сақлаш мақсадаги мувофиқ.

ЕР КЎЧКИСИ

оқибатида 24 киши
тупроқ остида қолди



Қирғизистон жанубидаги Ўш вилоятининг Ўзган туманида юз берган кўчи оқибатида йигирмадан ортиқ киши тупроқ остида қолди.

Хабарларга кўра, 1 миллион куб метр микдордаги тупроқ 11 уйни босиб қолган, 4 уйда ҳеч ким яшамаган.

Ҳалок бўлганларнинг қариндошлари ҳамда махсус хизмат вакиллари томонидан фожиа жойида қутқарув-қидирув ишлари давом этмоқда.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг маълумотларига кўра, воқеа содир бўлган жойдан 2 ва 12 ёшлардаги икки қизалоқнинг жасади топилган.

Фожиа оқибатида ҳалок бўлганларнинг яқинларига кўмак бериш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ВЕНЕЦИЯ
ҲУКУМАТИ

сайёҳлар оқимини назорат
қилади



Венеция ҳукумати шаҳарга ташриф буюрувчи бир неча миллионлик сайёҳлар оқимини назорат қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Бу борадаги илк тадбир келаятганлар сонини ҳисоблаш бўлади. «Стратегик ҳудудлар» — темир йўл вокзалида, кемалар тўхташ жойида ҳамда шаҳарга олиб боровчи асосий кўприкларга ўрнатилган экспериментал ҳисоблов машиналари ушбу вазифани амалга оширади.

Ҳозирда мазкур ғоя Италия ҳукумати ва ЮНЕСКО томонидан маъқуллаштирилган.

Бундан ташқари, сайёҳлар учун янги дам олиш зоналари ташкил этиш, келувчилар низоҳатда қўйиб кетган кун ҳақида хабар берадиган махсус тизимни жорий қилиш мўлжалланмоқда. Авлиё Марк черкови жойлашган асосий майдонга кириш учун тўлов белгилаш ғояси ҳам кўриб чиқилмоқда.

Интернет материаллари
асосида тайёрланди.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ЮКСАК БИЛИМЛИ АВЛОД
мамлакат тараққиётининг кафолатидир

Ёшларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, ўзининг билими, қobiliятини намоён этиши жамиятда муносиб ўрин топиши учун аввало, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан ҳаётда ўз фикрига, қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

1991 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун эрта ми эгалари манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз томонидан 2016 йилнинг 14 сентябрида имзоланган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун олиб борилаётган босқичма-босқич, тадрижий ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, бу борадаги ишларнинг янги даврини бошлаб берди.

борасидаги Ўзбекистон тажрибаси намуна сифатида ўрганишга тавсия этилган эди.

Муҳим яна бир йўналиш — бу иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб этишдан иборат. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўқиш ва жамоат ишларида юқори натижаларни қўлга киритаётган ёшлар учун Президент ва давлат стипендиялари таъсис этилган. Натижада ҳар йили ўтказиладиган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ёш олимлар ва талабалар томонидан истиқболли ишланмалар жамоатчилиги эътиборига ҳавола қилинган.

«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунда ёш фуқаролар, ёш оила, ёш мутахассис ҳамда ёшлар тадбиркорлиги каби бир қатор тушунчаларга изоҳ берилган. Унга кўра, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар ёшлар ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан барча вилоят, шаҳар ва туман

ҳокимликларида ҳокимнинг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимлари жорий этилди.

2017 йил 7 февралдаги фармон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишида таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Хулоса ўрнида айтганда, бу каби ислохотлардан қўзланган пировард мақсад мамлакатимиз истиқболли учун масъулиятини ўз зиммасига оладиган, миллий ўзлгини, кимнинг, қандай буюк зотларнинг вориси эканини, Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустақам, юксак маънавиятли шахсларни вояга етказишдир.

Наим ОБЛОМУРОВОД,
тарих фанлари доктори.

Президент Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тақдимномасига биноан вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисини лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ

Галаба ва Тинчлик қон ва жон эвазига келганини, унда ўзбек халқининг ҳам улкан ҳиссаси борлигини қуйидаги тарихий ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди



Фашизм устидан галаба қозонишда мардлик ва матонат кўрсатган 338 нафар юртдошимиз юксак мукофот — қаҳрамонлик унвонига сазовор бўлган эди.



Фронга — жангчиларга совға жўнатиш пайти — 1942 йил.



«Ўзбекистон» деб номланган бронепоезд урушга жўнатишда.



Уруш кетаётган ўлкалардан олиб келинган минглаб болаларни Ўзбекистон ўз бағрига олди.

Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон урушида эришилган Буюк галабага ўзбек халқининг асл ўғил-қизлари жанг майдонларида кўрсатган мардлиги ва матонати, жасорати ва фидойилиги билангина эмас, фронт ортидаги мардонавор меҳнати ва мисли кўрилмаган саховати билан ҳам улкан ҳисса қўшди.

УРУШ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Статистик ҳисоботларга қараганда, Иккинчи жаҳон уруши арафасида, яъни 1940 йилда Ўзбекистоннинг умумий аҳолиси 6,5 миллиондан сал ошиқроқ бўлган. Шундан 3 миллион 387 мингга эрақлар ташкил қилган. Уларнинг 1,5 миллиони урушга сафарбар қилинган. Ярим миллионга яқин юртдошларимизга Ватанни қайта қўриш насиб этмаган, уларнинг ҳоқлари Европа мамлакатларининг тупроғида қолган.

Беш йилдан ортиқ давом этган қиргин баротлардан омон чиққан бир миллиондан ошиқ ўзбекистонликнинг баъзилари қариндош-уруғлари бағрига ногирон, яримжон ҳолда қайтган. Уларнинг соғлиқларини тиклашлари, турмушларини ўнглашлари учун бир неча йиллар керак бўлган албатта.

Шунга қарамастан, собиқ жангчилар юртнинг издан чиққан иқтисодийтини тиклаш, уруш асоратларини тугатиш, халқнинг турмушини ўнглаш йўлида ғайрат ва шижоат намунасини кўрсатдилар.

Қақшатиқ жанглар кетаётган кезларда фронт ортида меҳнат қилиб, Ватан ҳимоячиларига қурол-яроғ, озиқ-

овқат, кийим-кечак етказиб берган ўзбекистонликларнинг ҳиммати ва саховати таҳсинга лойиқдир.

142 МИЛЛИОН 265 МИНГ СЎМ МАБЛАҒ ТЎПЛАДИ

13 декабрда республика Давлат банкининг бўлимлари-га танк колоннаси ва авиаэскадрилья қуриш учун меҳнаткашлардан 142 миллион 265 минг сўм маблағ тушди.

Самарқанд областида 29 миллион 587 минг сўм, Тошкент областида (Тошкент шаҳри билан бирга) 27 миллион 817 минг сўм, Хоразм областида 18 миллион 647 минг сўм, Фарғона областида 18 миллион 588 минг сўм, Наманган областида 14 миллион 9 минг сўм, Қорақалпоғистонда 14 миллион 836 минг сўм, Бухоро областида 7 миллион 983 минг сўм, Сурхондарё областида 6 миллион 910 минг сўм, Қашқадарё областида 2 миллион 594 минг сўм тўпланди.

Маблағ тўплаш давом этмоқда.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси (ҳозирги «Ўзбекистон овози»), 15 декабрь 1944 йил. № 246 (6158).

ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТИ

«Немис-фашист йиртқиқларига қарши олиб борилаётган улуг Ватан уруши кунларида Ўзбекистон меҳнаткашлари улуг юртимизнинг содиқ ватанпарварлари эканликларини яққол кўрсатдилар...

Ишчилар ва колхозчилар кўпгина озиқ-овқат ва юз минглаб комплекздан иборат иссиқ кийимлар тўплаб, уларни ўнларча эшелонларга ортиб, фронтга юбордилар. Танк колоннаси ва авиаэскадрилья қурилиши учун 450 миллион сўм маблағ тўпланди...

Ўзбек халқи шу кунларда Армиянинг қудратини янада ошириш учун танк колоннаси ва авиаэскадрилья қуриш учун яна маблағ тўплашга киришди. Қисқа муддат ичида Ўзбекистон колхозчилари, ишчилари ва интеллигентлари ўзларининг жамғарган маблағларидан шу мақсад учун 170 миллион 531 минг сўм тўпландилар...

Ватан урушининг оғир кунларида немис галабаси Украина ва Белоруссия ерларига бостириб кирган, Москва ва Ленинградга ҳавф солган вақтда меҳмондўст ўзбек халқи юз мингларча кўчиб келган совет граждандарига бошпана берди. 35 мингдан ошиқ бола интернат ҳамда болалар уйларига жойлаштирилди, йўқолган ота-оналари ўрнига ота ва она бўлган меҳнаткашлар оилалари бу

болаларни ўз бағриларига олдилар...

Қўлига қурол олиб ватаннинг ор-номусини, озодлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилиш учун ўзбек халқи ўзининг энг яхши фарзандларини Қизил Армияга жўнатди. Ўзбек йигитлари рус, белорус, украин, грузин, озарбайжон ва бошқа халқлар ўртасидан чиққан аскарлар билан бир ёқадан бош чиқариб, Ватан уруши фронтларида жанг қилмоқдалар...

Дахшатли жангларда ўзбек жангчилари юзлаб немис босқинчиларини қириб ташдилар ва ўз ноиларини шон ва шараф билан қопладилар...

Уруш бошидан буён 24 минг 185 ўзбек жангчиси ва офицери орден ва медаллар билан мукофотланди, 50 га яқин ўзбек жангчиси ва командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонни олишга сазовор бўлдилар. Бу қаҳрамонларнинг ҳаммаси урушга тинч меҳнат билан шуғулланиб келган эдилар. Ватанга муҳаббат ва душманга нафрат уларни қаҳрамонлик зафарларига илҳомлан-тирди.

(Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг раиси Абдулла Абдураҳмоновнинг маърузасидан.)
«Қизил Ўзбекистон» газетаси, 24 декабрь 1944 йил. № 253 (6165).

«Ўзбекистон овози» мухбири Бахтиёр РИЗАЕВ тайёрлади.

Бокс: осие чемпионати

Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида 30 апрелдан 7 майга қадар бокс бўйича Осие чемпионати бўлиб ўтиши ҳақида хабар берган эдик. Ўтган кун бошланган катта спорт байрамида Осие бокс Конфедерацияси (ASBC)га аъзо 29 мамлакатдан 179 нафар энг кучли боксчи ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.

ОЛТИ ЖАНГ, ОЛТИ ГАЛАБА



Халқаро хаваскор боксчилар Ассоциацияси (AIBA) қондаларига кўра, жанглар 10 та — 49, 52, 56, 60, 64, 69, 75, 81, 91 ва +91 кг. вазн тоифаларида ўтказилмоқда. Вакилларимизнинг қитъа биринчилигидаги иштирокини 52 килограммгача оғирликдаги боксчимиз Жасурбек Латипов бошлаб берди. У покстонлик Сайид Асифга қарши жангда ишончи галабага эришди.

Жасурбек Латипов иккинчи босқичда қирғизистонлик Азат Усеналиевга қарши жанг ўтказди.

Шунингдек, қитъа биринчилигининг кеча бўлиб ўтган баҳсларида яна беш нафар боксчимиз рингга кўтарилди.

56 килограммгача вазн тоифасида Муроджон Аҳмадалиев туркманистонлик Шодлик Муродовга қарши баҳс олиб борди ва рақибни биринчи раунддаёқ нокаутга учратди. Муроджон Аҳмадалиев кейинги босқичда бутаник рақиб билан куч синашди.

«64кг. вазндаги боксчимиз Иқболжон Холдорев дастлабки жангда хиндистонлик Ашиш қаршичилигини енгиб ўтди. Иқболжон Холдоревнинг кейинги босқичдаги рақиб Хитой Тайпей вакили Хунг Минг Пан бўлади.

Хасанбой Дўсмаев (-49кг.) Осие чемпионатидаги ilk жангини Шри-Ланка вакили Тхиванка Палехага қарши ўтказди. Амалдаги Осие чемпиони бўлган ҳамюртимиз яққол устунлик билан галаба қозонди. Хасанбой Дўсмаев кейинги босқичда Қозғистон терма жамоаси аъзоси Жумарт Ержанга қарши рингга кўтарилди.

75 килограммгача оғирликдаги вазн тоифасида рингга кўтарилган ўзбекистонлик Исроил Мадримов фаластинлик Абудаба Қосимни биринчи раунднинг 35 сониясидаёқ техник нокаут ҳолатига туширди. Энди у навбатдаги баҳсда филиппинлик Марсиал Эумирга қарши жанг олиб боради.

91 килограммдан оғир вазнли боксчилар ўртасидаги жангда ўзбекистонлик Санжар Турсунов корейлик Хёонг Кю Кимдан устун келди.

Шундай қилиб кеча баҳсга қирришган боксчиларимизнинг барчаси дастлабки жанглари галаба билан яқуллади.

Шаҳбоз САИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Миллий матбуот марказида

Тил, услуб ва таҳрир...

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Услубият ва таҳрир» кафедраси томонидан ушбу мавзуда V илмий-амалий конференция ўтказилди.

Унда оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистлар, нашриётларнинг масъул ходимлари, профессор-ўқитувчилар, журналистика ва филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар иштирок этди.

Тадбирда, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг тили, услуби борасидаги муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари, ОАВда эълон қилинаётган материалларнинг таъсирчанлигини янада ошириш йўллари, ноширлик соҳасини ривожлантириш истиқболи, инновацион ғоялар ва технологиялар борасидаги масалалар ҳам муҳокама этилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЮГУРИШ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Нукусда «Саломатлик сари» оммавий югуриш марафони ўтказилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўтказилган марафонда 700 га яқин турли соҳа ходими, хотин-қизлар, ёшлар, фахрийлар иштирок этди. Ғолиблар 18-30, 30-45 ва 45 ёшдан катта бўлган гуруҳлар бўйича аниқланди.

18-30 ёшлилар гуруҳида хотин-қизлар ўртасида Ўғиллой Илёсова, эрақлар ўртасида Кувонч Ўразимбетов биринчи ўринни эгаллади. 30-45 ёш гуруҳи бўйича аёллар ўртасида Бибиойил Бойназарова, эрақлардан Оллаёр Ембергенов биринчи бўлиб маррага етиб келди. 45 ёшдан катталар ўртасидаги баҳсда Гулнара Отажонова ҳамда Ислам Абдуллаев марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

А.ОРТИҚБОВ, ЎЗА мухбири

Тадбир

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширилган маънавий-маърифий ишларга бағишланган анжуман ўтказилди.

МАФКУРАВИЙ ТАҲДИД

Унда сўзга чиққан Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари Абдухалил Маврулов, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Шўхрат Ризаев ва бошқалар бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрафлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг ижтимоий таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимиз ва ҳаёт тарзими-мизга зид, зарарли ғоя ва мафкуралар таҳдидига қаратилган давра суҳбатлари, кўрсатувлар, эшиттиришлар ва мақолалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси аҳоли билан мулоқотнинг жаҳон ҳамжамиятида қузелтилмаган мутлақо янги шаклидир.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

ЮНУС РАЖАБИЙ ИНСТИТУТИ

Бир кун буюк олимнинг уй-музейига ташир буюрган хорижлик меҳмон сўраган экан:

— Бу асарларни ёзган, тўплаган, тайёрлаган илмий-текшириш институти ва унинг ходимлари ҳақида маълумот берсангиз?

Ўшанда жавоб жуда қисқа бўлган эди: — Бу Юнус Ражабий институти.

Ходими ҳам Юнус Ражабий...

Пойтахтимиздаги Фотосуратлар уйида «Юнус Ражабий» уй-музейи ва Фанлар Академияси ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий таваллудининг 120 йиллигига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.

Унинг очилиш маросимида Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси Акмал Нур, Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзо ҳамда «Юнус Ражабий» уй-музейи директори, Ўзбекистон халқ ҳофизи

Ҳасан Ражабий ва бошқалар сўзга чиқиб, улуг санъаткорнинг бой ижодий мероси ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

Юнус Ражабий нафақат атоқли бас-такор, хонанда ва созанда, балки мусиқа илмида йирик тадқиқотлар олиб борган. «Ўзбек халқ мусиқаси» ноталар туркумининг I-V жилдларини, олти жилдли мукамал «Шашмақом» асарларини тайёрлаган. Ўзбекистон телерадиоси ҳузуридаги «Мақомчилар» ансамблига асос солган.

Кўргазмада Юнус Ражабий ҳаёти ва ижодида бағишланган 120 дан ортиқ фотосурат ҳамда уй-музейидан келтирилган экспонатлар намоиш этилмоқда.

Ислам ИБДУЛЛА, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси.



ИП ООО «АМКОДОР-ТАШКЕНТ»

официальный дистрибьютор в Республике Узбекистан

БЕЛОРУССКАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ, КОММУНАЛЬНАЯ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ТЕХНИКА

сменных рабочих органов

17 Многофункциональные погрузчики с бортовым поворотом

20 Экскаваторы-погрузчики (6 модификаций)

23 Погрузчики фронтальные и универсальные грузоподъемностью от 2 до 7 тонн

3 года гарантии



Товар сертифицирован. Услуги лицензированы.

Узбекистон, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57. Телефоны: (+998 94) 669-29-71, (+998 71) 283-42-18 (факс), 283-42-17. E-mail: ajle@mail.ru, amkodortashkent@mail.ru Web-site: amkodor.uz

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruksati bilan amalga oshiriladi.

Г — 538

14501

nuxxada bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:20

Topshirilgan vaqti — 00:50

Navbatchi:

Toshtemir XUDOYQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

4772010743006

1 2 3 5 6



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI